“САРБАДОРЛАР” РОМАНИДАГИ ТАРИХИЙ СЎЗЛАРНИНГ УЯДОШЛИК АСОСИДАГИ ТАСНИФИ

Насибахон Жўраева

Статья посвящена классификации исторических слов в романе «Сарбадорлар» на основе лексических гнезд.

Clause is devoted to classification of historical words in the novel "Sarbadorlar" on the basis of lexical jacks.

Тил тарихини ўрганишдаги энг муҳим масалалардан бири даврлаштиришдир. Ўзбек адабий тилининг ривожланиш тарихи кўпчилик тилшунослар томонидан турли хил даврларга – босқичларга[1,2] ажратилади. Ҳар бир босқич тилнинг фонетик, грамматик, лексик жиҳатлари асосида талқин этилади. Атоқли ёзувчимиз, тарихий романлар муаллифи Муҳаммад Алининг “Сарбадорлар” романида ўзбек адабий тилининг тарихий босқичларидан бири – эски ўзбек адабий тилига хос бўлган хусусиятлар яққол кўзга ташланади. Ёзувчи асарда XIV аср Ўрта Осиё халқлари ҳаёти, сиёсий курашлари, хусусан, сарбадорлар ҳаракати ҳамда соҳибқирон Амир Темур фаолиятининг дастлабки йиллари билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий воқеаларни қаламга олиш асосида тарихий ҳақиқатни очиб бериш, туркий халқлар, асосан, ўзбек халқи тарихий миллий колоритини кўрсатиш, асар персонажлари нутқини индивидуаллаштириш мақсадида эски ўзбек тилининг лексик бирликларидан, синтактик қурилмаларидан, грамматик шаклларидан моҳирона фойдаланишга муваффақ бўлган. Асардаги воқеликни реал ҳолатда тасвирлаш, унга китобхонни ишонтириш, шу асосда ўз олдига қўйган ғоявий мақсадни китобхон ҳукмига ҳавола этиш учун қўлланилган лексик бирликларни лексик-семантик хусусиятларига кўра таснифлаш муҳимдир.

Ёзувчи романда тарихий реалликни таъминлаш, юзага чиқариш учун лексик бирликлардан унумли фойдаланган бўлиб, романдаги тарихий сўзлар сўз туркумлари, сўз туркумларининг маъновий гуруҳлари бўйича бир неча уяга бўлиниб кетади. Яъни бир сўз туркуми доирасидаги сўзлар туркум доирасида бирлашишидан ташқари лексик-семантик

хусусиятларига кўра маълум мазмуний “уя”ларга бўлинади. Маълумки, кейинги йиллар ўзбек тилшунослигида “уядош сўзлар” атамаси кенг қўлланилмоқда. “Бир мазмуний уяга (гуруҳга) мансуб бўлган сўзлар уядош сўзлар дейилади”[3;175]. Мана шу жиҳатдан олиб қаралса, тарихий сўзларни ҳам ана шу асосда таснифлаш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, тарихий сўзлар билан боғлиқ фикрлар ўзига хос тарзда турли дарсликлар, қўлланмалар ва монографияларда талқин этилган. Биз тарихий сўзларни таснифлаш ва буни уядошлик асосида амалга оширишни мақсад қилиб қўйдик. Шунинг учун Муҳаммад Алининг “Сарбадорлар” романида тарихий сўзларни дастлаб уядошлик хусусиятига кўра гуруҳларга ажратиб, романдаги лексик сатҳни тарихийлик нуқтаи назаридан кузатмоқчи бўлдик.

Романда тарихий сўзлар, атамалардан кенг фойдаланилган, бунда ҳар бир сўз – лексема маълум бир сема атрофида бирлашиб, маълум бир микромайдонни ҳосил қилган. Чунки “лексик сатҳда юзлаб семантик майдонлар мавжуд”[4;14] бўлиши мумкин. Қуйида **от сўз туркуми**га оид бўлган айрим атамаларнинг маълум семантик майдонга бирлашуви кўрсатиб ўтилган:

1. Этнографизмлар ва социал атамалар: хосу ом, улус, авомуннос, раоя, рунуду авбош, занжи, жалойир, опардий, сулдуз, барлос, барбар, ахий, арлот, сурёний, чинмочин, қароунас, жета, авом, хутан, элхоний, бахши.

2. **Бошқарув тизимига оид атамалар:** салтанат, маншури давлат, девон, девони олий, девони амлок, девони мушриф, тож, маснад.

3. Шахсга оид атамалар: хон, подшо, вазири аъзам, ноиб, кадхудо, амир, шаҳаншоҳ, қўрчи, ўнбоши, тўқсабо, шиғовул, рикоббоши, атка, доруға, бек, оғабоши, босқоқчи, қўрғонбеги, мутавалли, чуҳра, саркор, тархон, амирзода, навкар, қўрчибоши, саркарда, сипоҳ, тинғчи, қуловуз, шаҳзода, бекзода, шаҳна, доруға, баковулбоши, тарафгузар, фақир, оқа, бегим, мужовир, хаттот, шуаро, қулжаллоб, мутриб, заифа, калонпо, ғаним, устод, аёқчи, соме, салаф, мирза, гилкор, кошинпаз, жувозчи, зиндонбон, чопар, тинғчи, муғанний, дарвеш, кинадор, ғулом, хожа, ровий, ғарибу ғурабо, маддоҳ (ар. *халқни йиғиб ҳикоя қилувчи киши* маъносида), китобдор, заминдор, чоракор, ожиза, аллоф, ёғий, чўри, тағойи, канизак, фақиҳ, мавлонозода, мискин, жарчи, завжа, морбоз, жибачи, ширапаз, шаҳаркуш, наддоф, соқий, фузало, амирзода, тужжор, мунаққаш, саҳҳоф, жория, мирохур, шайхурраис, тул-туғсоқ, мутағолиб, жаллод, аъён, суворий, офоқ даллол, қомус ул-аълом, ғунчачи.

4. Ҳарбий соҳага оид атамалар: жела, зирх, дубулға, бўлук, баронғор, жавонғор, қалб, чаноҳ, соқа, ясоқ, чирайна, муҳориба, жавшан, пусуғ, ҳировул, чоповул, шоқовул, ғўл, қаловузлиғ, камонгар, тиркишдўз, тийргар, хос лашкар, чопқун, лашкар, жиба, довул, совут, садоқ, ясол, таркаш, черик, жиба, дарра, камонмерган, шамширгар, тийргар, тирандоз, суворий, хос лашкар, лашкар, қаловуз, тийргар.

5. Ўрин-жой номларига оид атамалар:

1) Атоқли географик номлар: Қўстантия, Қубо, Марғинон, Усрушона, Гурганж, Рум, Димишқ, Энчиўғиз, Яксарт, Чин, Шом, Басра, Ғарнота, Фаранг, Булғор.

2) Турдош отлар: шабистон, доғгоҳ, кўшк, учмоҳ, саропарда, қасаба, домон (ф. *ўнгир* маъносида), ҳарам, арк, долон, сардоба, зиндон, қирғияк, чинакхона, кунжак, музофот, пучмоқ, такяхона, мағриб, қасаба, машриқ, кент, жибахона, бўзбозор, бобилхона, хонақоҳ (хонақо), рабод, домғон, шинак, ёнчиқ, ўтоға, сукар ракик, ўрдугоҳ, дор ал-кихоб.

6. Нарса-жисмга оид атамалар: ароба, ертахта, довул, тиғи паррон, маофа, тансиқот, жузвдон, чўқмор, тошчироқ, чапия, ёғчироқ, кашкул, чилчўп, довот, аёқ, таркаш, бурғу, чаҳорболиш, нисор, туғро, жамалға, халачўп, заврақ, косаи чубин, нишхўрд, пешкаш, улуфа (маош).

7. Мавҳум сўз ва атамалар: уҳда, футувват, омол, важҳ, мискинлик, қатлу ғорат, фасоҳат, ғорат, гардуни дун, фатҳи нусрат, солимлик, сиҳҳат, обидийда, адам, сарват,

чархи фалак, дайри дун, чархи дук, чархи кажрафтор, сажия, дорилфано, дорилбақо, иноятнома, тарх, ростию рўсти, жунун, аъмол, ифшо, рутба, муноқаша, тузук, омода, ҳарос, фатҳи нусрат, саромад, дайр, гардун, син, машварат, суханварлик, аҳволот, улги, қавоиду русум, дорилғурур, ушук, таҳайюр, мубоҳаса, тахайюл, мужда, сарватмандлиғ, хориқулод, зиллат, маснад, сафолат.

8. Диний тушунчаларга оид атамалар: султони ислом, пешво, баддин, шайхий, маздакий, хуррамий, шайхул машойих, машаралмуслимин, мурид, валиулло, садоға, ҳукамо, анбиё, яздон, халифа, насаро, тарсо, зиндиқ.

9. Илм-фанга оид атамалар: илму нужум, жуғрофия, мақулот, илму урфон.

10. Ҳаракат-ҳолатга оид сўзлар: босқин, шабихун, ғорат, уннов, итмом, қурч, риҳлат, садр, ихрож, иқомат, шероза, бадар, иқтаъ, бегар, харжу марж.

11. Кийим-кечакка оид сўз ва атамалар: такана, қамчот бўрк, дастор, тайласон, кулоҳ, ҳирқа, жанда, тақия, қурчуқ, сахтиён, сақарлот, тунбон, домон (ф. *этак, кўйлакнинг этаги* маъносида), бўрк.

12. Табиат жисмларига оид атамалар: хуло, муқарна, долғаши, мағал, гилвой, ойқин.

13. Ой номларини билдирувчи атамалар: шаввол, раббиул охир, жавзо, қантар.

14. Озиқ-овқатларга оид атамалар: май, обиёвғон, жуллоб, чоғир, сўк, улуфа.

15. Пул бирлигига оид атамалар: кепаки, ақча.

16. Солиқ тизимига оид атамалар: ўлпон, закот, хирож, жузъя.

17. Ўсимлик ва гул номлари билан боғлиқ атамалар: лолаи нўъмон, қўғагул, индов, чинак.

18. Ҳайвонларга оид атамалар: хук, илвасин, буқаламун, арғумоқ.

19. Касалликка оид атамалар: хилт, назла, сакта.

20. Кишининг тана аъзоларига оид атамалар: дийда, илиг, қурсоғ.

21. Касб-ҳунарга оид атамалар: сополак, чарх, гули, машрафа, ангоб.

22. Жамлаб кўрсатиш маъносидаги атамалар: уғруқ.

23. Тилшуносликка оид атамалар: лисон.

Бу гуруҳларнинг айримлари, ўз навбатида, яна майда маъновий гуруҳчаларга бўлиниши мумкин. Масалан, ҳарбий соҳага оид атамаларнинг ўзи бир қанча маъновий гуруҳларга бўлиниб кетади. Булар:

1. Ҳарбий мутахассислар номлари: камонгар, шамширгар, тиркишдўз, тийргар, суворий, хос лашкар, лашкар, қаловуз. *Камонгар, шамширгар, тиркишдўз, тийргарлар, ҳоким сафарга отланди дегунча, девонга аслаҳалар етказиб беришғон, аммо ҳақини хазинадан эмас, вилоятдан тушган солиқлардан олишғон*.

2. Ҳарбий кийимлар номлари: зирх, дубулға, совут, жавшан, жиба. *Тўпбузар сипоҳлар, лашкарсиндирар аскарлар атрофни тутиб кетган, жавшан кийган паҳлавонлар ушлаб олган найзаларнинг ярақлаши кўзни оларди*.

3. Ҳарбий қисм номлари: баронғор, жавонғор, бўлук, чаноҳ, соқа, ҳировул, чоповул, шоқовул, ғўл, қалб. *Кошки ул, лашкарни йиғиб, баронғору жавонғорни, қалбни мустаҳкамлаб, чаноҳ билан соқани фаромуш этмай маъракаи майдонга кирса, ёғийнинг додини берса!*

4. Ҳарбий жараён ва ҳаракатлар номлари: муҳориба, чопқун, саваш, ясоқ, ясол. *Қўрқмас ва қаттиққўл... Темурбекнинг Амир Ҳусайндан бир нарсада устунлиги аниқдир: у жанг йўриғини биладир, ясоқ тузишга моҳир, жанг майдонини бир қарашда чамалай оладир*...

5. Ҳарбий ўрин-жой номлари: пусуғ, жибахона. *Эҳтиёт чораси сифатида пусуғда қўшин ҳам қўйиб қўйди*.

6. Ҳарбий қурол-аслаҳа номлари: таркаш, жела, туғ, дарра, жиба, довул. *Навкарлар қўлига кишан солинган, учовининг бўйинларига битта жела ташланган, абгор бўлган*

Искандар ўғлон, амир Ҳамид ва амир Юсуфхўжаларни ҳайдаб дор тагига олиб бордилар кабилардир.

Романда элликдан ортиқ номда тарихий ўрин-жой атамалари берилган бўлиб, уларни дастлаб икки гуруҳга: атоқли отлар (асосан, географик номлар) ва турдош отларга ажратиш ўринлидир.

Тарихий атоқли отлар: Қўстантия, Қубо, Марғинон, Усрушона, Гурганж, Рум, Димишқ, Энчиўғиз, Яксарт, Чин, Шом, Басра, Ғарнота, Фаранг, Булғор.

I. Тарихий атоқли географик отлар (номлар) қуйидагича гуруҳланди:

1. Мамлакатлар номлари: Чин, Шом, Басра, Ғарнота, Фаранг, Булғор. *Бу ёғи на Чиндаю Шомда, на Басраю Яманда, на Мисру Аданда, на Ғарнотаю Булғору Франгда бордур ушмундоқ бозор!*

2. Шаҳарлар номлари: Қубо, Марғинон, Гурганж, Рум, Димишқ. *Шон-шукуҳда унга тенг келадиган шаҳар кам, Қубо, Андижон, Марғинонлар унинг ёнига боролмайди. Шаҳриёр қўрғон қилмак ишига мутасаддиликни Насафийга беришини таклиф қилди, чунки у моҳир муҳандисдир, ота-боболари Хоразмшоҳлар пойтахти Гурганж шаҳрини тиклашда қатнашган. "Бу ер Димишқ!" – деб жавоб қилди ҳалиги йигит.*

3. Дарёлар номлари: Энчиўғиз, Яксарт. *Ота-боболаримиз уни Энчиўғиз деб аташарди, Яксарт ҳам дейишарди...*

II. Турдош отлар ҳам, ўз навбатида, яна маъновий гуруҳчаларга бўлинади.

1. Диний илм масканлари номлари: хонақо, хонақоҳ. *Темур ўн беш ёшларида бир куни пирни тўйга айтиб келгани Шайх Шамсуддин Кулол хонақосига борди.*

2. Подшо саройи билан боғлиқ ўрин-жой атамалари: саропарда, шабистон, ҳарам, кўшк, арк, ёнчиқ. *Қурултой Солисаройдан четроқда, асов Амударё бўйида, Амир Ҳусайн саропардаси ўрнатилган ям-яшил ўтлоқда бўлиб ўтмоқда эди. Худобанда гулзор орасидан ўтиб, баланд кўшкнинг чап томонидаги бир ошёнли кунбеткай бинога кириб кетди.*

3. Ҳарбий ўрин-жой атамалари: пусуғ, шинак. *Мавлонозода камонини олиб душмандан бирини – толиби илм назарида ўша аскарларга буйруқ бериб турибди, бошига бўрк қўндирган, совутга ўралган отлиқ баджаҳл мўғул лашкарбоши бўлса керак – шинакдан туриб нишонга олди.*

4. Мавҳум ўрин-жой атамалари: учмоҳ, фалак тоқи, кунжак, пучмоқ. *Эшик очилганда, чиндан учмоҳларда бўладиган бир манзарага кўзи тушди. Бу гал қудратли садолар шаҳарнинг пучмоқ-пучмоқларигача етиб борди.*

5. Савдо шохобчалари номлари: бўзбозор, сукар ракик. *Шу пайт Шотабиб оға ҳам келиб қолди, дори-дармонга гиёҳ қидириб бўзбозорга борган экан. – Нишопурнинг қул бозоридай бозор оламда йўқ! – деди Малик Ашраф Садр Сулаймон ва унинг шерикларини сукар ракикка бошлар экан.*

6. Ернинг маълум қисми номлари: машриқ, мағриб, қирғияк, домон. *Мана, мағрибдан келган маржон, Эрон узуги, Ҳинд уфори... Билъакс, Чиғатой улуси хони Ғозон султон билан Ҳирот домонида, Дараи Занги мавзеида бўлган жангда табаррук бобомиз кўзларига бадбахт найза тегиб ногирон қилди.*

7. Шаҳарнинг маълум қисми ва шаҳар маъносидаги номлар: ўрду, ўрдугоҳ, қасаба, музофот, кент, доғгоҳ. *Ё раб, ҳар қасабаю депарада албатта бир беномус салтанат иқболи ишқида куйиб ёнади. Самарқанднинг Турон подшоси Афросиёб билан боғлиқлигини, ундан ҳам олдинроқ Самар деган турк хонининг кентга, яъни шаҳарга биринчи ғиштни қўйганлигини яхши билар... эди. Умид улким, Самарқанд салтанатимизнинг энг мустаҳкам ўрдугоҳларидан бирига айлангусидир.*

8. Ҳунар билан шуғулланиш учун хосланган жой номлари: чинакхона, пахтахона. *Бир куни Қорасоч бика пахталарнинг чигитини ажратиб чинакхонадан ҳовлига чиққанди, айвондаги манзарани кўриб ҳайрон бўлиб қолди.*

9. Ҳовли-жой (турар жой) номлари: долон, ўтоғ. *Дарвозани очиб долонга кирдилар.*

10. Карвонсарой номлари: рабод. *Шаҳар эса жанубга, ҳунарманду косиблар расталари билан обод рабодга кўчди.*

11. Сув сақланадиган жой номлари: сардоба. *...Оламни қўнғироқ деб билсак, инсон ўша қўнғироққа сас бергувчи тилдир, агар инсон бўлмаса, қўнғироқ сас беролмайдур, олам бамисли кўзи беркилғон қудуққа ўхшаб қоладур... ва ё суви қуриғон сардобанинг ўзи бўладур!..*

12. Ҳайвонлар сақланадиган жой номлари: сайисхона. *Ғордан юз қадамча нарида қачонлардир қурилган сайисхона ўрнида Темурбек тошлардан бир неча хонали иморат бино қилдирди.*

13. Қурол-яроғ сақланадиган жой (омбор) номлари: жибахона. *Жибахонасида ўзи учун ҳар куни беш юз жиба яроғ мукаммал турар эмиш...*

14. Маҳбуслар сақланадиган жой номлари: зиндон. *Агар чиқмасанг, уруғ-аймоғинг билан зиндон қиламен, тананг ерларда чирийди!..*

15. Оммавий кўнгилочар жой номлари: такяхона. *Отам амакингни такяхонага айтиб кел, дедилар.*

16. Айрим салбий тўдалар фаолият кўрсатадиган жой номлари: бобилхона, дор ал-кихоб. *Хонақоҳ ёнида Хонлиқ оқа отлиқ эркакшода бир хотиннинг катта ҳовлиси бор бўлиб, у уйида бобилхона очганди. Жанобларидек нурул-миллати – ваддин шайхулислом Абдулворис Самарқандий шаҳар ҳокимига Хонқали кўчасида дор ал-кихоб очдириб, фаҳшу зино гуллашига йўл бериб қўйдилар...*

Маълумки, лексик бирликлар вақт ўтиши мобайнида бошқа маъно англатиши ёки унинг фақат битта маъноси сақланиб қолиши мумкин, шу нуқтаи назардан асардаги *бахши, қўл, тузук* каби айрим сўзларга изоҳ бериб ўтиш ўринлидир. Масалан, *бахши* сўзи тарихда икки хил маънода: 1. Котиб, мирзо, ёзувчи; 2. Социал атама – қабила, уруғ[5;99] маъносида ишлатилган бўлса, ҳозирда бу сўз бошқа маъноларда: "халқ достонларини куйловчи шоир, оқин" маъносида ҳамда "дуолар ўқиб, дам солиб, ирим-сиримлар қилиб даволовчи табиб"[6] маъносида қўлланилади. Асардаги *қўл, илғор* сўзлари ҳарбий қисм номлари, *тузук* сўзи эса тарихда юридик термин сифатида, қонун-қоидалар тўплами[6;220] маъносида ишлатилган бўлиб, ҳозирда улар бошқа маъноларда қўлланилмоқда.

Романдаги *маснад, ёнчиғ, такяхона, қалб, садр* каби сўзлар асарнинг ўзида омоним ва кўп маъноли сўзлар сифатида ишлатилган. *Букун Ҳасан Домғоний сарбадорлар давлати маснадидадир* (маснад – ар. *юксак ўрин* (мансабда) маъносида).

*– Самарқанд сарбадорлари сардори Абу Бакр Калавий шаҳар султони, тангри таоло унинг умрларини зиёда қилсун, – давом этди имом Қутбиддин, – юрт маснадига минадир, баским биз бул айёмдан эътиборан, яъни тарих етти юз олтмиш еттинчи йилда, илон йили сафар ойи ўн бири жума оқшоми, унинг муборак номини хутбага қўшиб айтадурмиз... (*маснад – ар. *тахт маъносида*)[5;369]

Асардаги *такяхона* сўзини оммавий кўнгилочар жой номлари таркибига киритдик. Бу сўз такя шаклида ҳам қўлланилади. *Такя* сўзи асли арабча сўз бўлиб, "суянчиқ, ёстиқ" маъносидан ташқари, "дарвишларнинг махсус турар жойи, умумий ётоқхона"[5;589] деган маънони ҳам англатади.

Муҳаммад Алининг "Сарбадорлар" романида ўзбек халқининг шонли тарихи акс этган. Тарих тил орқали ўз ифодасини топади. "Тил тарихини халқ тарихидан ажратиб олиб, уни айрича ҳолда ўрганиш мутлақо мумкин эмас"[4;39]. Шунинг учун ушбу романнинг поэтик хусусиятларини очиб беришда, тарихий воқеликни акс эттиришда ҳамда бадиийликнинг таъминланишида лингвистик бирликларнинг роли ниҳоятда аҳамиятлидир. Шу жиҳатдан ҳозирги давр тилшунослигида ҳам, адабиётшунослигида ҳам лингвопоэтик йўналиш, айниқса, бадиий асар тилини ўрганишда устуворлик касб этмоқда.

Биз ушбу мақолада айрим тарихий сўзларнинг уядошлик асосидаги таснифини очиб беришга ҳаракат қилдик. Тарихий сўзларнинг ишлатилиш ўринлари, прагматик хусусиятлари, асарнинг бадиийлигини таъминлашдаги аҳамиятини ўрганиш махсус текширишни талаб этади. Кейинги ишларда ушбу масалага ойдинлик киритишни мақсад қилганмиз.

Адабиётлар:

1. Абдураҳмонов Ғ. Ўзбек адабий тили тарихини даврлаштириш масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти.- 2008.- № 5.- С. 47
2. Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. - Т.: Ўқитувчи, 1995.- Б.19-26
3. Маҳмудов Н. ва бошқалар. Она тили. Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфи учун дарслик.- Т.: Маънавият, 2007
4. Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш.- Т.: Маънавият, 2004
5. Шамсиев П., Иброҳимов С. Навоий асарлари луғати.-Т.: Адабиёт ва санъат,1972
6.Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I том - М.: Русский язык, 1981

Андижон Давлат университети,
2009 йил 20 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. А.Собиров)